

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**РЕЙПНАЗАРОВА ГУЛПЕРИЙЗАТ НУКУСБАЙЕВНА**

**КИЗИЛНИНГ (*Cornus mascula* L.) БИОЛОГИК-ХЎЖАЛИК ТАВСИФИ  
ВА КЎЧАТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2024**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии  
(PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy  
(PhD) on agricultural sciences**

**Рейпназарова Гулперийзат Нукусбайевна**

Кизилнинг (*Cornus mascula* L.) биологик-хўжалик тавсифи ва кўчатларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

**Рейпназарова Гулперийзат Нукусбайевна**

Хозяйственно-биологическая характеристика кизила (*Cornus mascula* L.) и разработка технологии выращивания посадочного материала ..... 19

**Reypnazarova Gulperiyzat Nukusbayevna**

Biological and economic characteristics and development of technology for cornel seedlings cultivation (*Cornus mascula* L.) ..... 33

**Эълон қилинган ишлари рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 37

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**РЕЙПНАЗАРОВА ГУЛПЕРИЙЗАТ НУКУСБАЙЕВНА**

**КИЗИЛНИНГ (*Cornus mascula* L.) БИОЛОГИК-ХЎЖАЛИК ТАВСИФИ ВА  
КЎЧАТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2024**

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Qx907 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

Адилов Хикматилла Абдухалилович  
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа  
доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

Тўхтаев Бобокул Ёрқулович  
биология фанлари доктори, профессор

Қосимов Ахмаджон Абдукодирович  
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа  
доктори

**Етакчи ташкилот:**

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-  
тадқиқот институти


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил 27 февраль соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (550316-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2024 йил 12 февраль куни тарқатилди.  
(2024 йил 22-январьдаги 1-рақамли реестр баённомаси)



  
Э.Т. Бердиев  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, к.х.ф.д.,  
профессор

  
М.З. Холмуротов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д.,  
доцент

  
С.А. Юнусов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, к.х.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда кам тарқалган, ноёб хусусиятларга эга мевали экин турларини кўпайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шундай ўсимликлардан бири Кизил (*Cornus mascula* L.) бўлиб, у мўл ва барқарор ҳосил бериш хусусиятига эга. У юрак ва қон томир тизимига мустаҳкамловчи таъсир кўрсатади. Кизил фақатгина қон босимигина эмас, балки қабзият ва артритдан азият чекувчи инсонлар учун ҳам фойдалидир. У организмда модда алмашинувини яхшилайти, қон таркибидаги глюкоза ва холестерин миқдорини камайтиради, уни вазнини назорат қилиш рационига қўшиш мумкин. Кизил ўсимлигининг кенг тарқалган табиий ареали Кавказ ҳисобланади, маданий навлари эса Молдавия, Украина, Қрим ва қисман Қуйи волга, шунингдек Шарқий ва Марказий осиеда учрайди»<sup>1</sup>. Кўп йиллик боғдорчилик тажрибаси шуни кўрсатадики, маданийлаштирилган кизил ўсимлигининг саноат плантациялари жуда ҳам кам, бу эса ушбу қимматли мевага бўлган талабни тўла қонли қондириш имконини бермайди. Шу боис унинг маданий навларига асосланган саноат плантацияларини барпо қилиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида кизил ўсимлигининг серҳосил плантацияларини жадаллашган усулларда етиштириш ва мевасининг таркибидаги биологик фаол моддалардан мақсадли фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, Буюк Британия, Голландия, Ҳиндистон, Хитой каби давлатларда кизил ўсимлигидан турли хил шифобахш ичимликлар, желе, мураббо, косметик маҳсулотлар ва доривор воситалар ишлаб чиқариш, Россияда аллоксан диабетига қарши кизил меваларининг гипогликемик таъсирини аниқлаш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Россияда ошқозон-ичак тракти касалликлари ва овқат ҳазм бўлишининг бузилиши касаллигига қарши сироп, Украинада қандли диабетга қарши экстракт ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шунингдек унинг кўчатларини мўътадил иқлим шароитларида кўпайтириш ва саноат боғларини барпо қилиш бўйича маълум даражада тажрибалар тўпланган.

Республикамизда ҳам кам тарқалган, ноёб хусусиятларга эга мева турларини кўпайтириш, интродукция қилиш, уларнинг морфо-биологиясини ўрганиш ва жадал етиштириш бўйича маълум изланишлар олиб борилмоқда. Бироқ, ноёб, шифобахш хусусиятларга эга, қайта ишлаш имкониятлари кенг ва юқори даромад манбаи бўлган кизил ўсимлигини ўрганиш ва уни саноат асосида етиштиришни татбиқ этиш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» нинг 3.30-бандида ҳам «Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш»<sup>2</sup> масалалари алоҳида белгилаб қўйилган. Бу борада

<sup>1</sup> <https://ru.wikipedia.org/> Кизил обыкновенный

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.

бугунги кунда республикада жуда кам тарқалган кизил (*Cornus mascula* L.) ўсимлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унинг морфо-биологиясини чуқур ўрганиш, унинг жадаллашган кўчатчилик тизимини ишлаб чиқиш ҳамда саноат плантацияларини барпо қилиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 28 январдаги ПҚ-455-75-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ёки интенсив мева-сабзавотчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кизил ўсимлигининг шакллари ва агробиологик хусусиятлари, уларнинг селекцияси, кўпайтириш ва етиштириш технологиялари, мевасининг биокимёвий ҳамда шифобахшлик хусусиятлари, шунингдек қайта ишлаш имкониятлари устида хорижий давлатларда М. Anthoniy, A.Zhivondov, N.Keranova, S.Pandova, A.Bartles, A.Bieniek, Z.Kawecki, A.I.Piotrowicz-Cieslak, T.Karadeniz, Lee Rich, МДХ давлатларида А.С.Попов, И.Ф.Тигиева, С.К. Клименко, О.В. Криворучко, В.Я. Даниленко ва М.И. Кравчук, Ўзбекистонда эса М.М.Мирзаев ва Г.Мамбетова томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Муаллифлар томонидан кизил ўсимлигини кўпайтириш, озик-овқат, қайта ишлаш саноати ва фармацевтикада унинг меваларидан фойдаланиш тамойиллари ишлаб чиқилган. Хусусан, кизил ўсимлигининг биологиясини ўрганиш асосида уни тоғолди ва тоғли ҳудудларда етиштириш, уруғидан ва яшил қаламчалар билан кўпайтириш, экиш муддатлари, экиш схемалари ва озиклантириш меъёрлари, қайта ишлаш саноатида турли маҳсулотлар рецептлари, фармацевтикада экстракт ва эликсирлар олиш бўйича тавсиялар берилган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида кизил ўсимлиги кам тарқалган мевали ўсимлик ҳисобланади. Уни кўпайтириш усуллари, морфо-биологик хусусиятлари ва мевасининг шифобахшлик хусусиятларини ўрганиш юзасидан республикада илмий-тадқиқотлар у қадар кўп олиб борилмаган. Шу муносабат билан ушбу диссертация тадқиқотига кўра, кизил ўсимлигини ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятларини ва кўпайтириш усулларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ундаги қўйилган асосий вазифалар республикамиз шароитига ушбу истиқболли, шифобахш ва кенг қайта ишлаш имкониятига эга мева турининг серҳосил навларини интродукция қилиш ва ўсимликни кўпайтиришда юзага келадиган қатор муаммоли масалалар ечимини беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат аграр университети Мева-сабзавотчилик ва узумчилик кафедрасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган №12-1 «Мева, резавор мева ва узум етиштиришни такомиллашган усуллари ишлаб чиқиш технологиялари» илмий ишлар режаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Кизил (*Cornus mascula* L.) ўсимлигининг морфо-биологик хусусиятларини ўрганиш ва кўчатини етиштириш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

интродукция қилинган кизил (*Cornus mascula* L.) ўсимлиги навларини ўсиши ва ривожланишининг биологик ва морфологик хусусиятларини тадқиқ этиш;

кизил ўсимлиги мевасининг морфометрик кўрсаткичларини аниқлаш;

кизил ўсимлиги кўчатларини уруғидан кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқиш;

кизил ўсимлиги кўчатини яшил қаламчаларидан ички микроиқлими бошқариладиган иншоотда кўпайтиришнинг самарали усулини ишлаб чиқиш;

кизил ўсимлиги кўчатини ёғочлашган қаламчалардан кўпайтиришда мақбул экиш муддати ва экиш схемасини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб кизил (*Cornus mascula* L.) ўсимлигининг Владимирский, Helen ва Red star навлари хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** кизил навларини генератив ва вегетатив органлари, уруғлари, ёғочлашган ва яшил қаламчалари, озуқа элементлари, ўсишни бошқарувчи моддалар ва ички микроиқлими бошқариладиган иншоот ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Кизил ўсимлигининг морфо-биологик хусусиятларини ўрганиш ва кўчатини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича дала ва лаборатория тажрибалари Х.Ч. Буриев, Н.Ш. Енилеев ва бошқаларнинг «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси» (2014), В.И. Полегаевнинг «Методы оценки качества плодов и овощей» (1978), Т.А. Федурконинг «Выращивание клоновых подвоев и посадочного материала плодовых и ягодных культур из зеленых черенков» (1992), М. Тарасенконинг «Размножение плодовых растений методом зеленого черенкования побегов» (2001), Б.С. Ермаковнинг «Размножение древесных и кустарниковых растений зеленым черенкованием» (1981), М.Т. Тарасенконинг «Зеленое черенкование садовых и лесных культур» (1981) номли услубий адабиётларида келтирилган тавсия ва услублар бўйича ўтказилган, тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили эса Б.А. Доспехов (1985) тавсия қилган услубда 0,95% ишончлилик билан «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида ҳисоб қилинган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент вилояти иқлими шароитида кизил ўсимлигининг интродукция қилинган Владимирский, Red star ва Helen навларининг морфо-биологик хусусиятлари, ўсиши ва ривожланиш кўрсаткичларини тадқиқ қилиш

асосида унинг вилоят тупроқ-иқлими широйтида ўса олиши аниқланган;

кизил ўсимлиги мевасининг морфометрик кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида энг юқори кўрсаткич Red star навида (бир меванинг ўртача оғирлиги 3,2 г) аниқланган, Владимирский ва Helen навида у 2,5-2,6 г атрофида бўлган;

кизил ўсимлиги кўчатини уруғидан кўпайтиришда икки йиллик ва оғирлиги 0,79-0,80 г бўлган уруғлардан фойдаланишда унувчанлик 94% га етиши исботланган;

кизил ўсимлиги кўчатларини ички микроиқлими бошқариладиган иншоотда яшил қаламчалардан кўпайтиришда Экстра (1 г/л сувга) ўстирувчи модда билан ишлов бериш 83 % илдиз олувчанликни таъминлаши аниқланган;

кизил ўсимлиги кўчатини ёғочлашган қаламчаларини феврал ойининг иккинчи ўн кунлигида 70×30 см экиш схемасида экилганда сифатли кўчатларнинг чиқиши 84 % га етиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

кизил ўсимлигининг интродукция қилинган навларини ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятларини ўрганиш асосида унинг Тошкент вилояти тупроқ-иқлими шаройтида яхши ўсиши ва мўл ҳосил бериши аниқланган;

кўчатларни уруғидан кўпайтиришда асосан 2 йиллик уруғлардан фойдаланиш яхши натижа берган, бунда унувчанлик қарийб 94% га етган;

кизил ўсимлиги кўчатларини яшил қаламчалардан ички микроиқлими бошқариладиган иншоотда кўпайтиришда ўстирувчи модда Экстра препаратининг 1 г/л сувли эритмаси билан ишлов бериш қаламчаларда каллус пайдо бўлиши ва илдиз тизимининг ризогенезини тезлаштирган ҳамда кўчатларнинг ташқи муҳит омилларига чидамлилигини оширган;

кизил ўсимлиги кўчатини ёғочлашган қаламчалари феврал ойининг иккинчи ўн кунлигида экилганда тутувчанлик энг юқори кўрсаткичларда бўлган, уларнинг яхши ўсиб ривожланиши учун 70×30 см экиш схемаси мақбул бўлиб, бундай озикланиш майдонида олинган стандарт кўчатлар миқдори 84 % ни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** дала ва лаборатория тадқиқотларининг ҳар йили апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, илмий ҳисоботларнинг Тошкент давлат аграр университети илмий кенгашида муҳокама этилганлиги ва ижобий тақризлар олинганлиги, тажриба маълумотларининг математик-статистик таҳлил қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тажриба натижаларининг халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда баён этилганлиги ҳамда маҳаллий ва хорижий нашрларда илмий мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кизил ўсимлигининг Тошкент вилояти тупроқ-иқлими шаройтида ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятлари таҳлил қилинганлиги, яшил ва ёғочлашган қаламчаларнинг ризогенезига ўстирувчи модда, экиш муддатлари ва схемаларининг таъсири аниқланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳимояланган махсус иншоотларда кизил ўсимлиги кўчатларини жадал етиштириш имконини берувчи усулнинг татбиқ этилганлиги, кўчатларни уруғидан, шунингдек яшил ва ёғочлашган қаламчалардан етиштиришда юқори тутувчанликни таъминловчи биостимлятор, экиш муддатлари, экиш схемалари ва уруғ унувчанлиги аниқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кизил ўсимлигининг морфо-биологик хусусиятларини ўрганиш ва кўчатини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

кизил ўсимлигини яшил қаламчасидан кўпайтириш ишланмаси Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг ҳимояланган майдонида 0,01 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 15 январдаги №04/21-06/67-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида кизил ўсимлигидан 0.01 га ҳимояланган иншоотда ўртача 1500 дона кўчат етиштирилиб, 12 500 000 сўм даромад олишга эришилган;

очик майдонда кизил ўсимлиги кўчатларини ёғочлашган қаламчасидан кўпайтириш ишланмаси Тошкент вилояти Янгийўл тумани «Muzaffar bog'ı» фермер хўжалигида 0,05 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 15 январдаги №04/21-06/67-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 1 гектар майдондан ўртача 47000 донагача кўчат олишга эришилган, рентабеллик 119 % ни ташкил этган;

очик майдонда кизил ўсимлиги кўчатларини ёғочлашган қаламчасидан кўпайтириш ишланмаси Тошкент вилояти Паркент тумани «Aziz Xurmat mevazori» фермер хўжалигида 0,02 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 15 январдаги №04/21-06/67-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 0,02 гектар майдондан ўртача 800 дона кизил кўчатларини етиштиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари Тошкент давлат аграр университетиде ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, тадқиқот натижалари 12 та, шу жумладан 3 та халқаро ва 9 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **«Кизил ўсимлигининг ботаник тарифи хўжалик аҳамияти ва кўчатини етиштириш технологиясининг ўзига хос хусусиятлари (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида тадқиқот мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқот муассасаларининг тадқиқотчилари ва республикамиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий-тадқиқотлари ва адабий манбалар шарҳланган. Бинобарин, кизил (*Cornus mas*) ўсимлигининг ботаник тарифи, морфо-биологик хусусиятлари ва хўжалик аҳамияти, кизил ўсимлиги кўчатларини етиштириш усуллари, кизил ўсимлигининг етиштириш технологиясини ўзига хос хусусиятлари юзасидан илмий маълумотлар тавсифланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотни ўтказиш шароити, мақсади, объекти, дастури ва услуби»** деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган тадқиқот мавзуси бўйича дала тажрибалари олиб борилган жойнинг табиий тупроқ-иқлим шароити ва тадқиқот олиб бориш услуби юзасидан маълумотлар келтирилган. Ушбу бобнинг «Тадқиқот ўтказиш жойининг табиий-иқлим шароитлари» бўлимида асосий дала тажрибалари олиб борилган ҳудуднинг табиий-иқлим шароитлари ва тупроғи бўйича маълумотлар ёритилган.


Ушбу бобнинг «Тадқиқотни ўтказиш дастури» бўлимида ҳар бир алоҳида тажрибани ўтказиш тартиби ва услуби баён этилган.

Диссертациянинг **«Кизил ўсимлигининг интродукция қилинган навларини морфо-биологик хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобидан бошлаб тажриба натижалари ёритиб берилган. Ушбу бобнинг «Кизил ўсимлигини интродукция қилинган навларида фенологик фазалар ўтиш муддатлари» деб номланган бўлимида кизил ўсимлиги навларида фенологик фазалар давомийлиги ҳамда уларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини ўрганиш юзасидан олиб борилган тажриба маълумотлари қайд этилган. Тажрибаларда ўрганилган кизил ўсимлигининг интродукция қилинган навларини вегетация давридаги ўсиш кучи, ривожланиш давомидаги вегетация фазаларининг ўтиш давомийлиги, ўсимлик новдаларининг умумий ўсиш узунлиги, шохланиш хусусиятлари, барг билан қопланиш даражаси, барг сатҳининг ўлчами ва шу каби бир қанча биометрик кўрсаткичлар фенологик ва биометрик таҳлил этилган.

Кизил ўсимлигининг ўрганилган 3 та навларининг барчасида куртакларнинг бўртиши ва баргларнинг ялпи ёзила бошлаши куйидаги муддатларда бўлганлиги кузатилди. Бунда ҳаво ҳароратига боғлиқ равишда Владимирский, Red star ва Helen навларида куртакларининг бўртиши март ойининг биринчи ўн кунлигида бошланди навлар бўйича 2-5 кунга фарқ қилди. Бунда Red star навида куртаклар Владимирский навида нисбатан 2 кун, Helen навида нисбатан 5 кун эртароқ бўрта бошлади.

Кизил ўсимлигининг ялпи гуллаш муддати навлараро 2-4 кунга фарқланди. Жумладан Владимирский навида ялпи гуллаш феврал ойининг 26 санасига, Red star навида 24 санасига тўғри келди. Helen навида эса бошқа навларга нисбатан бирмунча кечроқ гуллаш кузатилди ва ўрганилган навларга нисбатан 2-4 кунга кечроқ гуллаганлиги қайд этилди.

Кизил ўсимлигининг гуллаш давомийлигини кузатиш шуни кўрсатдики, ўрганилган барча навларда гуллаш давомийлиги ўзаро яқин кўрсаткичларда бўлди. Масалан, Владимирский навида 2021 ва 2023 йилларда гуллаш давомийлиги 6 кунни, 2022 йилда 8 кунни ташкил этганлиги кузатилди. Йиллар давомида олиб борилган илимий тадқиқот ишларимизда кизил ўсимлигининг гуллаш давомийлиги навлараро ўртача 5,3-6,6 кунни ташкил этди. Red star навида гуллаш давомийлиги Helen нави каби давомийликда бўлди. Ушбу ики навида гуллаш 4-7 кун оралиғида бўлиб, йиллар бўйича ўртача 5,3-6 кунни ташкил этди(1-расм).



**1-расм. Кизил ўсимлиги ўрганилган навларининг гуллаш давомийлиги**

Бошқа данакли мевали ўсимликлар қатори кизил ўсимлиги ҳам гуллаш фазасидан кейин барг чиқаради. Кизил ўсимлигида баргларининг ёзила бошлаши 2021 ва 2022 йилларда 3-6 кунга фарқ қилган бўлса, 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 12-15 кунга етди. Ушбу ҳолатни 2023 йилги ҳаво ҳароратининг кескин пасайиб кетганлиги билан изоҳлаш мумкин. Кизил ўсимлигида баргларининг ялпи ёзила бошлаши 2021 ва 2022 йилларда март ойининг биринчи ва иккинчи ўн кунлигида кузатилган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич

март ойининг учинчи ўн кунлигига тўғри келганлиги кузатилди.

Тошкент вилояти иқлим шароитида интродукция қилинган кизил ўсимлиги навларининг мева тугиш муддати ҳам тажриба олиб борилган навлар бўйича ўзаро фарқланди. Бунда Владимирский ва Helen навида бир муддатда, яъни апрел ойининг 8 санасида ва Red star навида эса апрел ойининг 6-санасида мева тугила бошлаганлиги кузатилди.

Кизил ўсимлиги навлари меваларининг пиша бошлаш муддати бўйича ҳам бироз фарқланди. Кизил ўсимлиги меваларининг дастлабки пишиб етилиш муддати июн ойининг иккинчи ўн кунлигига тўғри келди ва навлараро 2-4 кунга фарқланди. Бунда Владимирский нави меваларининг пиша бошлаши июн ойининг 18-санасига тўғри келди, Red star навида эса бу кўрсаткич бироз эртароқ, яъни июн ойининг 16-санаси, Helen навида эса энг кеч – июн ойининг 19-санасига тўғри келди.

Кизил навлари меваларининг тўлиқ пишиши навлараро 2-6 кунга фарқланди. Бунда энг эрта пишиш (5-7 июль) Red star навида, энг кеч пишиш (10-12 июл) Helen навида қайд этилди. Пишиш муддати бўйича Владимирский нави оралик ўрин (7-9 июл) ўрин эгаллади.

Диссертациянинг «Кизил ўсимлигининг вегетатив куртакларини ривожланиши ва новдаларини йиллик ўсиш динамикаси» деб номланган бўлимида кизил ўсимлигини навларининг куртакларини уйғониши ва бошланғич новдаларни ўсиши ва уларни биометрик ўлчовлари қайд этилиб навлараро маълум тафовутлар қайд этилган.

Диссертациянинг «Кизил ўсимлиги меваларини морфометрик кўрсаткичлари» деб номланган бўлимида ўрганилган кизил навларини пишиб етилган меваларининг морфометрик кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Илмий манбаларда келтирилишича, данакли меваларнинг тузилма аъзолари пўст қисми, эти (мағзи) ва уруғ ёки данаги жойлашган қисмидан иборат бўлади. Бундай меваларнинг ташқи қатлами – экзокарп, ўрта қатлами – мезокарп, ички қисми – эндокарп деб номланади. Данакли меваларда мева этининг данагидан эркин ажралиши муҳим технологик кўрсаткич ҳисобланади. Бироқ, бизнинг тажрибаларимизда ўрганилган кизил ўсимлиги мева эти данагидан қийин ажралувчи мева турига мансуб ҳисобланади.

Кизил меваларининг морфометрик кўрсаткичлари сифатида бир дона мевасининг ўртача оғирлиги, бир дона данагининг ўртача оғирлиги ва мевада данакнинг ўртача улуши фоизда таҳлил этилди. Таҳлил учун ўрганилган кизил навларининг мевалари тўлиқ биологик пишиб етилганда териб олинди ва лабораторияда таҳлил қилинди.

Лаборатория таҳлиллари шуни кўрсатдики, энг йирик мевалар билан Red star нави ажралиб турди, ушбу навда бир меванинг ўртача оғирлиги тадқиқот йилларида 3,1-3,5 г атрофида бўлди. Энг майда мевалар – 2,2-2,7 г Helen навида қайд этилди. Владимирский нави бир дона мевасини ўртача оғирлиги (2,5-2,8 г) бўйича оралик ўрин эгаллади.

Данагининг ўртача оғирлиги бўйича ҳам меванинг ўртача оғирлиги каби ҳолат кузатилди. Бунда мевадаги энг йирик даниги билан Red star нави ажралиб турди, ушбу навда данагининг ўртача оғирлиги тадқиқот йилларида 0,69-0,73 г

атрофида бўлди. Энг майда– 0,58-0,63 г данаклар Helen навида шаклланди. Владимирский нави данагининг ўртача оғирлиги Helen навига яқин, яъни 0,59-0,63 г атрофида бўлди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Кизил ўсимлигининг мевалари ва данакларини вазн кўрсаткичлари (2021-2023 йй.)

Нав номи	Мевасининг ўртача оғирлиги, г	Данагининг ўртача оғирлиги, г	Мевадаги данак улуши, %
2021 йил			
Владимирский	2,7±0,06	0,63±0,009	23,3±0,34
Red star	3,2±0,07	0,71±0,010	22,0±0,32
Helen	2,6±0,05	0,61±0,009	23,4±0,34
ЭКФ <sub>05</sub>	0,1	0,02	0,6
Sx%	4,1	2,8	2,7
2022 йил			
Владимирский	2,5±0,05	0,59±0,009	23,6±0,35
Red star	3,5±0,07	0,73±0,011	20,8±0,31
Helen	2,7±0,06	0,63±0,009	23,3±0,34
ЭКФ <sub>05</sub>	0,1	0,02	0,6
Sx%	4,2	2,8	2,7
2023 йил			
Владимирский	2,8±0,06	0,61±0,009	21,7±0,32
Red star	3,1±0,06	0,69±0,010	22,2±0,33
Helen	2,2±0,04	0,58±0,009	26,3±0,39
ЭКФ <sub>05</sub>	0,1	0,02	0,6
Sx%	4,1	2,8	2,7

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, мевадаги данакнинг улуши ҳам унинг йириклигига боғлиқ равишда навлар бўйича фарқланди. Бунда мевадаги данакнинг энг кам улуши билан Red star нави ажралиб турди. Ушбу навда мевадаги данак улуши тадқиқот йилларида 20,8-22,2% атрофида ўзгарди. Мевадаги данакнинг улуши Helen навида энг юқори кўрсаткичларда бўлди. Ушбу навда мевадаги данак улуши 2022 йилда 23,3% дан 2023 йилда 26,3% гача етди. Мевадаги данак улуши бўйича Владимирский нави оралик ўрин эгаллади ва ушбу морфометрик кўрсаткич 21,7-23,6% атрофида бўлганлиги кузатилди.

«Кизил ўсимлигининг кўпайтириш усуллари» деб номланган тўртинчи бобида кизил ўсимлигининг уруғидан, яшил ва ёғочлашган қаламчаларидан кўпайтириш технологияси ўрганилган.

Диссертациянинг тўртинчи бобининг «Кизил ўсимлигини уруғидан кўпайтириш технологияси» деб номланган бўлимида кизилнинг 1- ва 2-йиллик уруғларини куруқ ҳолатда (назорат), сувга 12 соат ивитиш, ИСК эритмасида 25 мг/л сув ивитиш 12 соат мобайнида ивитиш экиш бўйича тадқиқотлар ўтказилиб кузатувлар олиб борилди. Бунда уруғларни куриқ ҳолатда экишга таққослаганимизда сувда ва махсус эритмада ишлов берилган уруғларнинг унувчанлигида сезиларли фарқ мавжудлиги аниқланди.

Тажрибалар шуни кўрсатдики биз 3 йил давомида олиб борган тадқиқот натижаларида уруғларнинг унувчанлиги уларнинг тиним даврига ва курук ҳолатда (назорат), сувга ивитилган ҳолатда ҳамда ИСК нинг 25 мг/л сувли эритмасида 12 соат давомида ивителиб эжилганлиги билан боғлиқлиги тажрибалар давомида кузатилди (2-расм).




**2-расм. а) уруғларни курук ҳолати б) уруғларга сув билан ишлов бериш в) уруғларга ИСК эритмасида ишлов бериш**

2021 йил да олиб борилган тажрибаларда уруғлар курук ҳолатда эжилганда уларнинг унувчанлиги навлараро куйидагича кузатилди. Владимирский навида уруғларни унувчанлик фоизи 55 %, Red star навида 60 %, Helen навида эса 53 % уруғларни унувчанлиги кузатилди. Уруғларга сувда 12 соат давомида ишлов берилиб, ивитилганда уларнинг унувчанлиги куйидагича бўлганлиги аниқланди. Бунда Владимирский навида уруғларни унувчанлик фоизи 66 %, Red star навида 71 %, Helen навида эса 65 % ни ташкил этди.

Олиб борилган тадқиқотлар давомида 2022, 2023 йилларда ҳам уруғларни курук ҳолатда (назорат), сувга ивитилган ҳолатда ва ИСК нинг 25 мг/л сувли эритмасида 12 соат давомида ишлов берилиб, уруғларни унувчанлиги ўрганилганда барча йилларда 1 йиллик уруғларнинг унувчанлиги ўртасидаги тофовут унчалик юқори бўлмасда, уруғларни унувчанлиги навлараро таққосланганда Red star нави уруғларини унувчанлиги бошқа ўрганилаётган навларга нисбатан бироз юқори натижа кўрсатганлиги кузатилди.

Диссертациянинг тўртинчи бобининг «Кизил ўсимлигини яшил қаламчалардан кўпайтиришда уларни илдиз отишида ҳар хил ўстирувчи моддаларнинг таъсири» деб номланган бўлимида, қизил ўсимлигини яшил новдаларини май ойида она ўсимликлардан қирқиб олиниб маълум бир ўлчамда қаламчалар тайёрланиб ушбу стимуляторлар ёрдамида ишлов берилиб, сунъий туман ҳосил қилувчи мослама билан жихозланган ҳимояланган иншоотга, дарё қумидан тайёрланган экиш майдончасига 4 вариант ва 4 қайтариқда қаламчалар экилди. Қаламчаларни тайёрлашда ва иншоотдаги ҳарорат ва нисбий намликни таъминлашда, илмий манбаларда келтирилган маълумотларга ва ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб борган олимларнинг тавсияларига асосан тажрибаларимизни олиб бордик. Тажрибалар шуни кўрсатдики қаламчаларнинг

илдиз тизимини шаклланишига ва қаламчаларни ривожланишига тажрибаларимизда қўлланилган стимуляторларни таъсири қуйидагича бўлганлиги кузатилди.



**3-расм. Кизил ўсимлиги навларининг яшил қаламчаларини илдиз отиш даражасига стимуляторларни таъсири**

Тажрибалар давомида кизил ўсимлиги навларининг яшил қаламчаларига стимуляторлар турларининг таъсири ўрганилганда, Владимирский навининг яшил қаламчаларининг илдиз отувчанлиги Корневин ишчи эритмасида 77,0 %, Fast root ишчи эритмасида 79,7%, Экстра ишчи эритмасида 84,7%, Энерген ишчи эритмасида 81,7 % илдиз отиш даражаси кузатилди.

Тажрибаларимизда кизилнинг Red star навини яшил қаламчаларини илдиз отиш даражаси Корневин ишчи эритмасида 76,7 %, Fast root ишчи эритмасида 79,0 %, Экстра ишчи эритмасида 89,0 %, Энерген ишчи эритмасида 85,7 % ни ташкил этди. Ушбу тажриба кизил ўсимлигини Helen нави яшил қаламчаларида ўтказилганда, Корневин ишчи эритмасида 74,0 %, Fast root ишчи эритмасида 78,0 %, Экстра ишчи эритмасида 80,7 %, Энерген ишчи эритмасида 79,7 % илдиз отиш даражаси кузатилди. Тажрибаларимизда кизилнинг Владимирский навини яшил қаламчаларини илдиз отишига таъсир кўрсатадиган ўстирувчи моддаларни ишчи эритмаси тайёрланиб яшил қаламчалар, экишдан олдин 10-12, 16-18, ва 22-24 соат давомида пастки қисми эритмага солиб қўйилди. Илмий манбалардан бизга маълумки мевали ўсимликларни яшил қаламчаларда кўпайтиришда уларга ўстирувчи моддалар ёрдамида ишлов берилганда, уларнинг илдиз отишига ишчи эритмада ишлов берилган муддати ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги келтириб ўтилган.

«Кизил ўсимлигини ёғочлашган қаламчаларидан кўпайтиришда, сифатли кўчат чиқишига қаламчаларни ўлчами ва уларни экиш муддатларининг таъсири» деб номланган бўлимида кизилнинг ёғочлашган қаламчаларни ривожланиши ва кўчат бўлиб шаклланишига, уларнинг улчамларини бевосита таъсири мавжудлиги аниқланди (2-жадвал).

**Кизил ўсимлигини қаламчаларини илдиз отишига ўстирувчи моддаларни қўллаш усули ва илдиз отиш даражаси, % (2021-2023 йй.)**

Ўстирувчи моддалар турлари	Яшил қаламчаларни эритмага солиб қўйиш муддатида илдиз отиш даражаси, %					
	10-12 соат		16-18 соат		22-24 соат	
	дона	%	дона	%	дона	%
<b>Владимирский нави</b>						
Корневин ( <i>назорат</i> )	38±0,78	75	39±0,57	78	39±0,57	78
Фаст роот	39±0,80	77	40±0,59	80	41±0,60	82
Экстра	41±0,84	82	43±0,63	85	44±0,65	87
Энерген	40±0,82	80	41±0,60	82	42±0,62	83
ЭКФ <sub>05</sub>	1,9	-	1,3	-	1,3	-
Sx%	4,8	-	3,2	-	3,2	-
<b>Red star нави</b>						
Корневин ( <i>назорат</i> )	37±0,76	74	39±0,57	78	39±0,57	78
Фаст роот	39±0,80	77	40±0,59	80	40±0,59	80
Экстра	43±0,88	85	45±0,66	90	46±0,68	92
Энерген	42±0,86	83	43±0,63	86	44±0,65	88
ЭКФ <sub>05</sub>	1,9	-	1,4	-	1,3	-
Sx%	4,8	-	3,2	-	3,2	-
<b>Helen нави</b>						
Корневин ( <i>назорат</i> )	36±0,73	72	37±0,54	74	38±0,56	76
Фаст роот	38±0,78	75	40±0,59	79	40±0,59	80
Экстра	40±0,82	79	41±0,60	81	41±0,60	82
Энерген	39±0,80	77	40±0,59	80	41±0,60	82
ЭКФ <sub>05</sub>	1,8	-	1,3	-	1,3	-
Sx%	4,8	-	3,2	-	3,2	-

*Эслатма:* Тажрибада ҳар бир навдан 200 донадан жами 600 дона яшил қаламча экилган, ҳар бир вариантларда 50 донадан қаламчаларнинг илдиз отиш даражаси ўрганилган

Бунда навлараро ҳам маълум бир тофовутлар кузатилди. Тажрибада Владимирский навининг қаламчаларини ривожланиш даражалари ўрганилганда 15 см (назорат) ўлчамдаги қаламчаларнинг илдиз отиш даражаси 68 % тайёр кўчат чиқиши эса 65 % ни ташкил этди. Ушбу навда қаламчаларни илдиз отиш даражаси қаламчалар 25-30 см ўлчамда тайёрланганда самарадорлиги юқори бўлганлиги аниқланди. Қаламчалар ушбу ўлчамларда тайёрланганда тайёр кўчат чиқиши 79-80 % ни ташкил этди.

### ХУЛОСАЛАР

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида кизил ўсимлигини морфо-биологик хусусиятлари ўрганилиб, генератив ва вегетатив усулда кўчат етиштиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқилди.

1. Кизил ўсимлиги навларининг дастлабки вегетатив куртакларни уйғониши, барглари ёзилиши, гуллаши ва гуллаш фазаси эрта баҳорда (февраль ойининг 1-2 декадаси) кузатилиб, мевасининг пишиш давомийлиги 218 кунни ташкил қилиб, ўртача йиллар мобайнида 73 кун давом этганлиги

маълум бўлади.

2. Кизил ўсимлиги ҳозирда асосан яшил қаламчаларини сунъий туман ҳосил қилувчи иншоотларда кўпайтиришда энг қулай муддат август ойи 1-2 декадасига яхши натижа бериши ва сифатли кўчат олиш мумкинлиги тўғрисида илмий манбаларда батафсил ёритилиб, ушбу муддатларда кўчат етиштириш самарадорлиги юқори бўлади.

3. Кизил ўсимлиги асосан генератив (уруғидан) ва вегетатив (қаламчалаш) йўли билан кўпайтирилади. Саноат даражасида кўчат етиштиришда яшил қаламчалардан ёки ёғочлашган қаламчаларидан кўчат етиштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

4. Кизил ўсимлиги навларида кечадиган физиологик ва биологик жараёнларни ўрганиш, фенологик фазалар ўтиш муддатлари таҳлил этилганда кизил ўсимлиги ҳам барча данак мевалилар сингари эрта баҳорда (февраль ойининг 1-2 декадаси) гуллаши ва гуллаш фазаси давомийлигида дастлабки вегетатив куртаклари уйғонади ва барглари ёзила бошлайди.

5. Кизил ўсимлигининг вегетатив куртакларини ривожланиши ва новдаларини йиллик ўсиш динамикасида, вегетатив куртакларни уйғониши ва асосий ўсиш даражаси март, апрель, май ойларида йиллик ўсиш даражасини 70 % ушбу ойларга тўғри келиши аниқланди. Новдаларни иккинчи ўсиш тулкини эса август сентябрь ойларига тўғри келади.

6. Кизил ўсимлиги меваларини морфометрик кўрсаткичлари ўрганилганда, меваларни ўлчами бўйи, эни (айланаси) энг юқори кўрсаткич Red star нави меваларида кузатилди. Бунда айтиш мумкинки Red star нави мевалари қолган ўрганилган навларни мевасига нисбатан бир қанча ижобий кўрсаткичларни кўрсатди.

7. Кизил ўсимлигини уруғидан кўпайтирилганда асосан маълум бир ўлчамдаги уруғлари саралаб экилиш натижасида кўчат чиқиш фоизи юқори бўлиши кузатилди. Олинган натижаларга асосан куриқ (ивитилмаган) 1 йиллик уруғларга нисбатан 2 йиллик уруғларни унувчанлиги (11-12 %) юқори бўлганлиги аниқланди.

8. Уруғлар оддий сувга 12 соат ивитилганда 1 йиллик уруғларга нисбатан 2 йиллик уруғларни унувчанлиги (15-16 %) юқори натижа кўрсатди.

9. Уруғлар ИСК нинг 25 мг/л сувли эритмасида 12 соат ивитилганда, 1 йиллик уруғларга нисбатан 2 йиллик уруғларни унувчанлиги (18-19 %) юқори натижа кўрсатди.

10. Кизил ўсимлигини яшил қаламчалардан кўпайтиришда уларни илдиз отишига тажрибаларимизда ўрганилган ўстирувчи моддалардан Экстра назоратга нисбатан барча навларда 10-12 % юқори самарадорлик кўрсатган.

11. Кизил ўсимлигини ёғочлашган қаламчаларидан кўпайтиришда, сифатли кўчат чиқишига қаламчаларни ўлчами ва уларни экиш муддатларининг таъсири ўрганилганда энг мақбул экиш муддати февраль ойининг 2 декадасида эканлиги кузатилди. Бунда назоратга нисбатан 10-12 % кўп тайёр кўчат чиқиши аниқланди.

12. Кизил ўсимлигини ёғочлашган қаламчаларидан кўпайтиришда,

сифатли кўчат чиқишига қаламчаларни ўлчами ўрганилганда энг яхши натижа назоратга нисбатан 25-30 см ўлчамдаги қаламчаларни илдиз отиш даражаси ва тайёр кўчат чиқиши 16-18 % юқори натижа кўрсатди.

Кизил ўсимлиги кўчатнини уруғидан етиштиришда, 2 йиллик уруғларга ИСК нинг 25 мг/л сувли эритмасида 12 соат ивितिб ишлов бериш;

кизил ўсимлигини саноат даражасида яшил қаламчаларидан кўпайтиришда Экстра ўстирувчи моддаси билан 1 мг/л ишчи эритмаси билан 22-24 соат ишлов бериш;

кизил ўсимлигини ёғочлашган қаламчаларидан кўпайтиришда қаламчаларнинг узунлик ўлчами 25-30 см ва диаметри 0,75-1,0 см қилиб экиш;

кизил ўсимлигининг ёғочлашган қаламчаларидан кўпайтириш учун қаламчаларнинг февраль ойининг 2 декадасида экиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**РЕЙПНАЗАРОВА ГУЛПЕРИЙЗАТ НУКУСБАЙЕВНА**

**ХОЗЯЙСТВЕННО-БИОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА КИЗИЛА  
(*CORNUS MASCULA L.*) И РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ  
ВЫРАЩИВАНИЯ ПОСАДОЧНОГО МАТЕРИАЛА**

**06.01.07 – Плодоводство и виноградарство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ НАУК**

**ТАШКЕНТ – 2024**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2022.2.PhD/Qx907

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	Адилов Хикматилла Абдулхалилович доктор философии по сельскохозяйственным наукам, доцент
<b>Официальные оппоненты:</b>	Тухтаев Бобокул Ёркулович доктор биологических наук, профессор Косимов Ахмаджон Абдукодирович доктор философии по сельскохозяйственным наукам
<b>Ведущая организация:</b>	Научно-исследовательский институт генетических ресурсов растений

Защита диссертации состоится «27» февраля 2024 года в 16:00 час на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г.Ташкент, ул.Университетская, дом-2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).


С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 550316). (Адрес: 100140, г.Ташкент, ул.Университетская, 2-дом. Ташкентский государственный аграрный университет, здание информационно-ресурсного центра (Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «12» февраля 2024 года.  
(реестр протокола рассылки №1 от 9.02.2024 г. от 16.02.2024 года).



  
Э.Т. Бердиев  
Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.с.х.н., профессор

  
М.З. Холмуротов  
Учный секретарь научного  
совета по присуждению учёных  
степеней, д.с.х.н., доцент

  
С.А. Юнусов  
Председатель научного семинара  
при научном совете по  
присуждению ученых степеней,  
д.с.х.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время большое внимание уделяется выведению плодовых культур с уникальными характеристиками, малораспространенными в мире. Одним из таких растений является кизил (*Cornus mascula* L.), отличающийся высоким и стабильным урожаем. Оказывает укрепляющее действие на сердечно-сосудистую систему. Кизил полезен не только при артериальном давлении, но и людям, страдающим запорами и артритами. Улучшает обмен веществ в организме, снижает в крови количество глюкозы и холестерина, его можно добавлять в диету для контроля веса. Распространенный природный ареал кизила – Кавказ, а его культивируемые сорта встречаются в Молдавии, Украине, Крыму и отчасти в Нижнем Поволжье, а также в Восточной и Средней Азии<sup>3</sup>. Многолетний опыт садоводства показывает, что промышленных плантаций культурного кизила очень малы, что не позволяет в полной мере удовлетворять спрос на этот ценный плод. Поэтому создание промышленных плантаций на основе его культурных сортов является одной из актуальных задач.

В настоящее время, во многих странах мира проводятся научные исследования по ускоренному выращиванию высокоурожайных насаждений кизила и целевому использованию биологически активных веществ, содержащихся в его плодах. В частности, в таких странах, как Великобритания, Нидерланды, Индия, Китай, из растения кизила производят различные лечебные напитки, желе, джемы, косметическую продукцию и лекарственные средства, в России проводятся исследования по определению гипогликемического действия кизила в отношении аллоксанового диабета. В России налажено производство сиропа против заболеваний желудочно-кишечного тракта и расстройства пищеварения, а в Украине – экстракта против диабета. Также накоплен определенный опыт по выращиванию посадочного материала в условиях умеренного климата и созданию промышленных садов.

